

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ

Тошкент – 2006

0

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти

Тошкент – 2006

78.342

М 91

Илмий-методик бўлим томонидан тайёрланди

*Тузувчи*                      *Ф.Рўзиева*  
*Муҳаррир*                    *Ҳ.Маматраимова*  
*Масъул муҳаррир*        *О.Қиличбоев*  
*Матн терувчи*            *З.Жалилова*

Мустақил Ўзбекистон хотин-қизлари:  
Метод.-библиогр. қўлл. / Алишер Навоий ном.  
Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Ф.Рўзиева;  
Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир  
О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон  
Миллий к-наси нашриёти, 2006.-32 б.

**КБК 78.342+66.74 (5 У)**

Аёлни улуғлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарқ халқларига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг аёлларни ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги қатор фармон ва қарорларини қабул қилиниши жамиятимизда аёлларга бўлган муносабатни янада яхшилади. Мустақиллик йилларида ўзбек аёллари фаолияти барча соҳаларда кўзга кўриниб қолди. Биз ушбу қўлланмада ана шулар ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қилдик. Қўлланма кутубхона ходимларига методик ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2006 й.

## МУҚАДДИМА

*Оналар оёғи остидадир  
Равзаи жаннату жинон боғи,  
Равза боғи висолин истар эсанг  
Бўл онанинг оёғин тупроғи  
Алишер Навоий*

Одамзот онгли ҳаёт бошлаган кундан бери инсоният аёл зотига ихлос қўйиб, уни севиб, ардоқлаб келади. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром қўрсатиш Шарққа, ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Ер юзида ўзининг ақл-заковати, мард ва донолиги, гўзал хусни, андиша ва сабр тоқати, меҳр ва садоқати билан дунёга донг таратган аёллар жуда кўп.

Ҳамиша яхшилик ва эзгуликка интилган ўзбек аёли – онанинг жаҳоншумул қадр қимматини, унинг умуминсоний мазмунини аниқлашда ва юксак баҳолашда бизнинг доно момоларимиз дунё олимларидан юқори турганлари маълум.

“Инсон онасини, - деб ёзади шоира Анбар отин, - ҳар нечук донишманд энагаси деб билурман, ул она шундоқ онадур ва моҳир донодурки, Афлотун, Лақуможис ва Дониёлни, Хизр ва Илёсни, Искандару Дорони, Лукмон ва Сулаймонни, Ибн Сино ва Улуғбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоий ва Фирдавсийни, Бедил ва Хайёмни, Нодири ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган ғизосидан расамат бериб, тўксон тўққиз дардни тортиб, тутиб кўзимизни очиб, оламни кўриш қобилиятига даввору моҳир қилибдур”.

Дарҳақиқат, аёл она бу муқаддас бир зотки, унинг билан олам мунаввар, унинг билан оила, ватан, хонадон ободдир. Демакки, жамиятни оналар обод қиларкан, жамият ҳам оналар ва аёлларга муносиб бўлмоғи лозимдир.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонда ҳам кейинги 10 йил ичида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини

мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилди.

Республикамизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни мустаҳкамланиб уларга бир қанча қулайликлар яратиб берилди. Хотин-қизлар мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, спорт, санъат соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Биз қуйидаги қўлланмада мустақил ўзбек диёри аёллари ҳақида фикр юритамиз. Бу ўринда барча кутубхоналар хотин-қизлар ва уларнинг ҳаёти, жамиятдаги ўрни ва фаолияти ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиши лозим.

Бу ишда кутубхона ходимлари адабиётлар тарғиботининг китоб тақдироти, адабиётлар кўргазмаси, савол-жавоб кечалари, китобхонлар конференцияси, давра суҳбатлари, мавзули ва мусиқали кечалар, мушоира каби усуллардан фойдаланишлари мумкин. Тадбирлар туркумини ташкил этиш учун кутубхоналар хотин-қизлар қўмитаси, “Тадбиркор аёллар” уюшмаси, ҳокимликлар, адабиётшунослар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, диний арбоблар билан ҳамкорлик қилишлари мумкин.

### **Ўзбек аёли**

Аёл – оллоҳ яратган буюк мўъжизадир. Аёл – оила чароғбони, гўзаллик тимсоли, фарзандлар тарбиячиси, хонадон файзидир.

Ўзбек аёли, ўзбек оиласининг шаклланиши узок тарихга эга жараён ҳисобланади. Шарқ аёллари, жумладан ўзбек аёлининг шаклу шамойили, сийрати, маънавий оламнинг шаклланишида, ислом динининг таъсири беқиёс. Қадимда оила бошлиғи бўлган эркакка ҳурмат, шарм-ҳаё, андиша, сабр ва матонат ўзбек аёлининг муҳим хислати саналган. Бундай хислатни аёллар яшаган оилаларда тотув-

лик, ҳамжихатлик вазияти қарор топиб, фарзандлари доно, ақлли ажойиб инсонлар бўлиб вояга етишган.

Арабча “аёл” сўзи - ”оила” калимаси билан ўзакдош. Эски тилимизда “оила аъзолари” тушунчаси “аҳли аёл” бирикмаси билан ифодалангани шундан.

Чиндан ҳам оиланинг файзу баракаси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ . Халқимиз бекорга аёлларимизни “уй бекаси”, “хонадон фариштаси” деб улуғламайди.

Бироқ мамлакатимизни чор мустамлакачилари босиб олгандан кейинги даврда, айниқса, шўро тузуми йилларида хотин-қизларни озодликка чиқариш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш шиори остида кўпгина миллий кадриятлар оёқ ости қилинди. Бу ҳол оилаларга салбий таъсир қилиб, фарзандлар тарбияси эътибордан четда қолиб, жамият олдида янги муаммоларни юзага келтира бошлади.

Ўзбек диёри халқлари ўз эркинлигини қўлга киритгандан сўнг мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда, туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида оила, аёл, фарзандлар тарбияси масаласига ҳам эътибор берилга бошланди. Республикамиз Президенти Исом Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йил “Оила йили”, 1999 йил “Аёллар йили” деб эълон қилиниб, бу борада анча ишлар амалга оширилди. Оила, оналик ва болалик кадриятларини тиклаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш мамлакатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланди.

Аёлларсиз ҳаётни, жамиятни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, тадбиркор, ишчи, олима, шифокор, меҳрибон ва оқила тарбиячилардир. Давлатимиз ва унинг раҳбарияти хотин-қизларга катта эътибор бермоқдалар. Жамиятимизда хотин-қизлар турли соҳалардаги ишларда фаол иштирок этишлари учун барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Республикамизда 1999 йилнинг “Аёллар йили” деб эълон қилиниши Ўзбекистон хотин-қизлари учун муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз мустақиллиги, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий фармони мамлакатимиз аёлларининг жамиятни, давлатни бошқаришдаги билимлари, ақлу заковат, фахму фаросати ва имкониятларига бўлган ишончининг ёрқин намунасидир.

Бизнинг ўзбек хотин-қизлари орасида жаҳон тарихида ўз номи, ўрни билан машҳур аёллар жуда кўп, Тўмарис, Сарой Мулкхоним, Нодирабегим, Гулбаданбегим, Зебунисобегим, Жаҳон отин, Увайсий, Акбар отин, Зулфия, Саида каби шоиру фозилалар, ҳукмдорлар ўтган.

Жаҳон маданияти ва маънавияти хазинасига Ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, имом ал-Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби юзлаб алломаи замонларни дунёга келтириб, тарбиялаб берган ҳам бизнинг заминда камолга етган аёллардир.

Айни кунларда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, республикамиз тараққиётида, ўтмиш аجدодларимиз анъаналарини давом эттиришда хотин-қизларимизнинг улушлари ниҳоятда юксак.

Жумладан, республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғи хотин-қизлардан иборат бўлиб, ислохотларни амалга оширишда кишлоқ хўжалигида 39 фоиздан зиёдроқ, илм фанда 37 фоиз, халқ хўжалигида 43 фоизга яқин,

соғлиқни сақлаш тизимида 73 фоиздан кўпроқ, халқ таълимида 60 фоизга яқин хотин-қизлар меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон хотин-қизлари орасидан қуйидагилар сенат аъзолари: Барнохон Абдуллаева, Фарида Абдурахимова, Марҳамат Болтабоева, Раъно Валиева, Светлана Герасимова, Нодира Каримова, Вера Борисовна Пак, Дилбар Шарипова, Ҳамротош Шодиева, Гулсанам Шокаримова ва бошқалар.

Республика хотин-қизларининг физкультура ва спорт ни ривожлантиришдаги роли ҳам диққатга сазовордир. Улар жаҳон миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда фаол иштирок этмоқдалар. Лина Чирязова фристайл бўйича жаҳон чемпиони, олимпия ўйинлари чемпиони унвонига сазовор бўлди. Ирода Тўлаганова Тошкентда ўтказилган XV халқаро ўсмирлар турнири финалчиси бўлди. Оксана Чусовитина гимнастика бўйича 3 марта жаҳон чемпиони, Фотима Галиуллина велоспорт бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси таркибида спортнинг 29 тури бўйича 540 дан ортиқ хотин-қиз халқаро мусобақаларда иштирок этди.

Давлат ва жамият қурилишида фаоллик кўрсатаётган хотин-қизларимизнинг меҳнатлари ҳукуратимиз томонидан юксак кадрланмоқда. Мустақиллик йилларида ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимиз тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшган хотин-қизларимиздан 10 нафардан зиёди энг юксак “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, 300 дан ортиқ аёлларимиз турли давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

1999 йил “Аёллар йили” муносабати билан хотин-қизларнинг адабиёт ва санъат, фан, меъморчилик ва ҳайкал-тарошлик, жамоатчилик фаолиятидаги улкан хизматлари учун “Нодирабегим”, “Гулбаданбегим”, “Гавҳаршодбегим” ва “Зулфия” мукофотлари таъсис этилди.

Аёллар жамиятда катта кучдир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шахс, ҳар бири ўзгача тарих, ҳар бирининг ўзга бир олами, диди, фаросати, қобилияти бор.

Ўзбек аёллари қўл урмаган соҳа йўқ. Улар давлат, жамоат, саноат ва деҳқончилик соҳасида кўзга кўринарли ишларни бажармоқдалар. Бўритош Шодиева, Дилбар Ғуломова, Фарруха Муҳиддинова, Светлана Иномова, Дилбар Жаҳонгирова каби давлат арбоблари, жамиятни бошқариш ишларида, бошқарув органларида ўз меҳнатлари ва фидойиликлари билан хизмат қилиб келмоқдалар.

Ўтган 2005 йил “Сиҳат-саломатлик йили”да Ўзбекистон хотин-қизлари ташаббуси билан “Халқаро саломатлик куни”га бағишланган ўн кунлик ташкил қилинди. “Отам, онам ва мен – оилавий спортчи” эстафетаси, маҳаллаларда “Соғлом оила” спорт мусобақалари, мактабларда “Ўз саломатлигимга ўзим масъул” мавзусида иншолар кўриги каби кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Маданият ва санъат соҳасида Ҳалимахону Саодатхонлар қаторига ўзбек халқининг юлдузи Юлдуз Усмонова, Насиба Абдуллаева, Гулбаҳор Эрқулова, мумтоз кўшиқчилик санъатининг дунёга танилишида ўз ҳиссасини қўшган Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторова, Марямхонимлар, опера санъатининг ёрқин юлдузи Муяссар Раззоқова, бастакор Дилором Омонуллаева, ёш эстрада юлдузлари Севара Назархон, Райхона, Азиза, Лола каби хонандалар ижоди бетақрорлиги билан ажралиб туради.

Театр ва кино соҳасида ҳам аёллар ўз ўрнига эга. Устозларининг ишончини оқлаб ёшларга бор санъатини маҳорат сирини ўргатиб халқимиз учун ажойиб роллар яратаётган артистларимиз Рима Аҳмедова, Гулчеҳра Жамилова, Гавҳар Зокирова, Зухра Ашурова, Зулхумор Мўминова, Саида Раметова каби сахна юлдузлари билан фахрланамиз.

Мустақиллик нашъасини суриб, уни мадҳ этувчи аёл шоирларимиз Ойдин, Ҳалима, Гулчеҳра, Қутлибека, Зухро, Умида, Зулфиялар бугунги Зебунисоларимиздир.

Аёлларнинг энг кўп вақти меҳнатда ўтади. Аёл жамиятда ҳам, уйда ҳам ўз ўрнига эга. Кейинги 10 йил ичида кишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик соҳасида ҳам аёллар анча ютуқларни қўлга киритдилар. Бухоролик Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова тадбиркорликни ўзига касб қилиб олган аёллардан бири, у “Зардўз” ҳиссдорлик жамиятида ишлаб зардўзлик санъатини бутун дунёга кўрсатиб келмоқда.

2005 йил “Сихат-саломатлик йили” эди, 2006 йил эса 2005 йилнинг мантикий давоми “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинди.

Инсон ҳаётида соғлиқ энг асосий бойлик ҳисобланади. Шундай экан халқ соғлиги йўлида хизмат қилаётган фидоий шифокорларимизнинг анча қисмини аёллар ташкил этади. Ўзбекистон қаҳрамонлари Ойшахон Қўчқорова ва Онесия Саитовалар ҳам ўз халқининг жонкуяр шифокорларидир.

Аёллар жамиятда барча соҳаларда хизмат қилиб келмоқда. Бундан ташқари ўзбек аёли зиммасига ўта миллий, шарқона маънавиятни сақлаб қолиш ва уни янада юксак даражаларда, замонавий асосларда давом эттириш масъулияти юкланган.

Ҳаё, ибодат, ифқат, фаросат, орасталиқ, назокат, самимийлик, камтарлик, оқиллик, уддабуронлик, гўзаллик чинакам маънавиятли аёлларимизга хос фазилатлардир.

Мамлакатимизда аёлларга ўзгача ҳурмат ва ғамхўрлик кўрсатилади. Юртимизда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида ҳам аёллар ҳақида ғамхўрлик мазмуни мужассамдир.

Шу ўринда республика хотин-қизлар кўмитаси қошида тузилган “Олима аёллар”, “Ҳуқуқшунос аёл”, “Иқтисодчи ва тадбиркор аёл”, “Аёл ва экология” уюшмалари иши ва “Оила” илмий-амалий маркази фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **Қуръони Каримдан:**

*“Ўз жинсларингиздан Сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Ўрталарингизда меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидан биридир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир” (“Рум” сураси, 21-оят).*

\* \* \*

*“Зинога яқинлашманглар. Чунки бу бузуқлик, энг ёмон йўлдир” (“Исро” сураси, 32-оят).*

\* \* \*

*“Парвардигорингиз, ёлғиз унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этади. Агар уларнинг бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб “уф” дема ва уларнинг сўзларини қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт. Улар учун меҳрибонлик билан, хорлик қанотини наст тут – хокисор бўл ва “парвардигорим, мени улар гўдаклик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин”, деб ҳақларига дуо қил” (“Исро” сураси, 22-24 оятлар).*

\* \* \*

*“Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди; уни сундан ажратилиш икки йил ичидадир. Менга ва ота-онага шукр қилгин...” (“Луқмон” сураси, 14-оят).*

\* \* \*

*“Биз инсонни ота-оналарига яхшилик қилишга буюрдик. Зеро, она унга ҳомиладорлик даврида ва таваллуд топшида кўп машаққат чеккандир” (“Аҳкоф” сураси, 15-оят).*

**Ҳадисдан:**

*Жаннат оналар оёғи остидадур.*

\* \* \*

*Хотинларнинг энг қутли-ю хайрлиси, эрларига машаққати енгилроқ бўлган хотиндир.*

\* \* \*

*Агар эр билан хотин бир-бирига муҳаббат – дўстлик билан қарасалар, Аллоҳ таоло уларга раҳмат назари билан қарар. Агар эр хотинининг қўлидан тутса, гуноҳлари бармоқ ораларидан тўкилиб кетар.*

\* \* \*

*Мен сизга икки заифнинг ҳақини ҳаром қиламан. Улар етим билан хотинлардир.*

\* \* \*

*Ҳаёнинг ҳаммаси хайрлидир.*

\* \* \*

*Одамларнинг ёмонроғи бор давлати билан хотин ва бола-чақаларига торлик қилувчи кишидир.*

\* \* \*

*Аёл диёнати ёки молу дунёси ёхуд ҳусну жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!*

\* \* \*

*Кимки уйланса, ўз диёнатининг ярмини мустаҳкамлаган бўлади ва қолган ярмини ўзи эҳтиёт қилсин.*

\* \* \*

*Фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар.*

\* \* \*

*Аёлларни фақат улуг одамлар ҳурмат қилади.*

\* \* \*

*Қайси бир мусулмон ота-онасини ҳар куни зиёрат қилиб турса, Аллоҳ таоло унга жаннат эшикларидан иккисини очиб қўяр. Агар улардан бири барҳаёт бўлиб, уни зиёрат қилиб турган бўлса, бир эшик очиб қўйилади Агар уларнинг бирортасини норози қилса, Аллоҳ таоло ҳам ундан норози бўлур. Ҳатто, ота-она фарзандига зулм қилган ҳолда ҳам уларни розилигини топмоқ зарур.*

\* \* \*

*Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Кимнинг учта қизи бўлса, тарбиясини яхши қилса, Аллоҳ таоло уни қиймат куни жаннатга киритади, дедилар. Шунда бир киши туриб: “Иккита қизи бўлса-чи, эй Аллоҳнинг Расули? деб сўрабди. “Иккита қизи бўлса ҳам”, деб айтдилар. Он ҳазратларидан “Битта бўлса-чи?” деб сўради иккинчи киши. “Битта қизи бўлса ҳам”, деб жавоб бердилар Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом.*

\* \* \*

*Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: “Бир одам Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулulloҳ, менинг яхши муомала қилмоғимга ким ҳақлироқдир? деб сўради. Жаноб Расулulloҳ: “Онанг”, деб айтдилар. У: “Яна ким?” деди. Жаноб Расулulloҳ: “Онанг”, дедилар. У: “Яна ким?” деб сўради. Жаноб Расулulloҳ (бу сафар) “Отанг”, деб жавоб қилдилар”.*

\* \* \*

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу: “Аллоҳнинг “Аёллар сизга яхши ишларда осий бўлмасинлар”, деган оятининг мазмуни “Аллоҳ таоло шахсан аёлларга буюрган шартлардур”, дедилар. (Бу шартлар, муфассирларнинг гапларига қараганда, баланд овоз билан йиғламаслик, бегона эркак билан танҳо қолмаслик, юзни бўямаслик, кўкракларини очиб юрмаслик, қаргамаслик... ва ҳар қандай ишда Аллоҳ ва унинг расулига итоат этмоқлик).*

\* \* \*

Умму Атийя ривоят қиладилар: “Биз аёллар ўликка уч кундан ортиқ аза тутмоқдан қайтарилган эдик, эр ўлсагина тўрт ойу ўн кун аза тутмоқ мумкин эди. Бу муҳлат мобайнида бўлак кийим кияр эдик. Биз аёлларга бирортамиз ҳайздан покланиб, гусл қилганимиздагина бирор зуфор атри ва кустдан (масхус дарахт бўлиб, уни қайнатиб шифобахи модда олинган фойдаланмоққа ижозат берилган эди, холос. Биз аёллар жанозага эргашимоқдан ҳам қайтарилган эдик”.

\* \* \*

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Эри ҳузурда бўлган аёлнинг эрининг изнисиз (нафл) рўза тутмоғи ҳалол эмас ҳамда аёл эрининг уйига унинг рухсатисиз бирор кишининг кирмоғига из бермасин ва эрининг буйругисиз бирор нарсани сарф қилмасин, чунки ўша сарф қилинган нарсанинг ярми эриникидур”, дедилар”.

\* \* \*

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Тул аёлни, унинг ўзи билан маслаҳатлашмай ва бокирани, унинг ўзидан ижозат сўрамай, никоҳлаб қўйилмайди”, дедилар. Саҳобалар: “Расулulloҳ, бокира қиз қандай қилиб ижозат беради? (“Ҳа”, дейди?) дейишади. Ул зот: “Агар сукут қилса, (ризо бўлганидур), деб жавоб қилдилар”.

\* \* \*

Ибн Аббоснинг мавлоси Абу Маъбуд ривоят қиладилар: “Набий саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Аёл ёнида маҳрами бўлмаса, сафарга чиқмасин ва ёнида маҳрами бўлмаган аёл олдига номаҳрам кирмасин”, дедилар. Шунда бир киши: “Ё Расулulloҳ, мен фалон қўшин билан бирга газотга кетмоқчиман, аёлим ҳажга боргиси келса, не қилгайдир?” деди. Жаноб Расулulloҳ: “Аёлнинг билан ҳаж қилгил”, дедилар”.

\* \* \*

Аллоҳ таолонинг қавли: “Эй пайгамбари муҳтарам (Умматларингизга айтингизки), қачон хотинларингизга талоқ бермоқчи бўлсангизлар, талоқ қилингизлар. Уларни иддалари аввалида ва сақлаб турингизлар иддани” (яъни, агар хотинларингизга талоқ бермоқчи бўлсангизлар, хотин ҳайздан пок бўлиб, гусл қилгандан кейин ҳамда у билан ётмасдан туриб талоқ қилингизлар ва ҳар иккинги иддани хотираларингизда тутингизлар).

\* \* \*

Ато разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Хотин, агар хоҳласа, марҳум эрининг уйида унинг васиятига биноан идда сақлайди, хоҳламаса, чиқиб кетаверади” деган оятни Аллоҳ таолонинг: “Улар ўзлари хусусларида қилган ишлари учун сизлар гуноҳкор бўлмайсизлар”, деган қавли қувватлайди. Кейин, мерос ҳақида оят нозил бўлиб, хотиннинг марҳум эр уйида идда сақламогининг вожиблигини бекор қилди, энди у ўзи истаган жойда идда сақлайдиган бўлди”.

\* \* \*

Аллоҳ таолонинг қавли: “...Хотинларни зўрлик ила мерос қилиб олмоқларингиз сизларга ҳалол эмас ва берган нарсаларингиздан баъзисини олмоқ учун уларни мажбуран олиб қолмангизлар”.

### **Алломалар аёллар ҳақида**

*Тозаликда сарвдан қолишмайди гул,  
Аммо вафо бобида собит эмас ул.*

\* \* \*

*Оқила, тадбиркор бўлса гар аёл,  
Қўлидаги ижаси ёй ўқи мисол.*

\* \* \*

*Ҳазина келтирган келиндан зинҳор,  
Тўғри, ростгўй келин яхшироқ минг бор.*

\* \* \*

*Оқ сут билан жонга кирган муҳаббат,  
Кам бўлмас то ўлим этгунча гонат.*

*Хусрав Деҳлавий*

\* \* \*

*Ёшлик телбаликни чиқар бошингдан,  
Онанг хизматида бўлгил бошингдан.*

\* \* \*

*Аёл, бил лутфу ҳимматга сазовор,  
Гўдакдек меҳру-шафқатга сазовор.*

*Носир Хисрав*

\* \* \*

*Кўча севгиси уйни барбод этар,  
Уйингни хотин меҳри обод этар.*

\* \* \*

*Дили пок хотин гарчи хунук,  
Ёмон хулқли хушнаmodан тузук.*

\* \* \*

*Хотин бўлса қобилу ақли расо,  
Эрин шоҳ этар, гарчи бўлса гадо.*

*Саъдий Шерозий*

\* \* \*

*Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,  
Шараф тожи эрур оёгин гарди.*

\* \* \*

*Бир қўл икки ишни қилолмас янбар,  
Бир дилга сигишмас ҳечам икки ёр.*

*Абдурахмон Жомий*

### **Аёллар ҳақида**

*Аёлни улуғламоқ – аллани, Ватанни, ҳаётни  
улуғламоқ демакдир.*

*Ислом Каримов*

*Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва  
маъна-вий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабати билан  
белгиланади.*

*Ислом Каримов*

*Она – ҳаётнинг гули,  
Бола – унинг булбули.*

*Аёлнинг сариштаси – рўзгорнинг фариштаси*

*Тогнинг кўрки қор билан,  
Эрнинг кўрки ёр билан.*

*Ўзбек мақоли*

*Аёл гўзаллиги шундай жозибали кучки, унинг олдида  
ҳатто фил ҳам тўхтаб қолади.*

*Япон мақоли*

*Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал  
сирларидан беҳабар ўтади.*

*Стендаль*

*Аёл фидойилик нималигини тушунибгина қолмай, ўзи  
ҳам фидойилик намунасини кўрсатишига қодир бўлган зот.*

*И.Тургенев*

*Миллат келажаси – оналар қўлида.*

*О.Бальзак*

*Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни  
кўпайтиринг.*

*Жан Поль*

*Аёл – буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга  
хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.*

*Н.А.Некрасов*

*Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.*

*А.Франс*

*Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмогинг шарт.*

*Н.Бомарше*

*Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса гамгин бўлиб қолар эди.*

*П.Буаст*

Биз қуйида кутубхоналар учун тадбирлар намунасини тавсия этамиз. Бундан ҳар бир кутубхона ўзлари учун қулай тадбирларни танлаб олишлари мумкин.

### **“Аёлга эҳтиром” номли китоб-расмли кўргазмани ташкил этиш учун материаллар**

Қуйидаги китоб кўргазмасининг мақсади кутубхонада ўтказилаётган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимлардан ташкил топиши мумкин.

#### **1. Туроннинг алп қизлари**

*Бошни фидо қилгил ато бошига,*

*Жисмни қил садқа ано қошига.*

*Тун-кунингга айлагали нурфош,*

*Бирисин ой айла, бирисин қуёш.*

*Алишер Навоий*

Бу бўлимда аёлларнинг тарихдаги ўрни ва қаҳрамонликлари ҳақидаги адабиётлар ҳамда расмлар қўйилади.

#### **2. Она улуг зот**

*Жаннат оналар оёғи остидадур.*

*Ҳадис*

Бу бўлимда мунис онахонлар ҳақидаги адабиётлар қўйилади.

### **3. Жамиятда аёл манфаати**

*Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,  
Сиз атир нафасли, сиз райҳон сасли,  
Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Маҳмуд Тоиров*

*(Мен офтобга алишмаган аёллар)*

Бу бўлимда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти ҳақидаги адабиётлар ҳамда расмлар қўйилади.

### **4. Зулфияхоним қизлари**

*Бирингиз қизимсиз, бирингиз синглим,  
Кўзларимнинг оқу қароси, қизлар.  
Сизларсиз дунёнинг қизиги йўқдир,  
Ҳар йигит умрининг маъноси, қизлар.*

*Ибройим Юсупов*

*(Қизлар)*

Бу бўлим “Зулфияхоним” мукофоти совриндорлари ёки шоира қизларимизга бағишланади.

### **“Жамият, оила, аёл” мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказишга методик ёрдам**

“Жамият, оила, аёл” мавзусида китобхонлар конференциясини ўтказиш учун кутубхонада тайёргарлик ишлари 1-2 ой олдин бошланади.

Биринчи ўринда конференцияни қандай ўтказиш лозимлиги ҳақида ташкилий ишлар белгилаб олинади. Кутубхонада эълон ёзилади ва иштирок этувчилар аниқланиб уларга таклифномалар юборилади. Конференция учун жой танланиб, безатилади. Мавзуга қараб адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. Конференция давомида китобхонларда ва иштирокчиларда маърузалар юзасидан саволлар, тушунмовчиликлар бўлса сўрашлари мумкин.

Конференцияга мавзуни кенгроқ очиб бериш учун ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари,

шифокорлар, дин арбоблари, педагоглар, “Гендер ва ривожланиш” бюроси вакиллари, ҳокимлик органи ходимлари, оқсоқол ва онахонларни таклиф қилиш мумкин.

Бундан ташқари шоирлар таклиф қилиниб, аёллар хақида шеърлар ўқиш мумкин.

Конференция охирида адабиётлар кўргазмаси олдида, адабиётлар обзори ўтказиш мумкин.

*Мавзу муҳокамаси учун саволлар*

1. Ҳозирги кунда оилада аёлларнинг роли ва унинг аҳамияти қандай?
2. Аёлларнинг ҳуқуқлари нималардан иборат?
3. Тадбиркор аёллар учун қандай енгилликлар яратилган?
4. Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш.
5. Ислом ва аёл.

**8-март халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан  
“Аёл борки – олам мунаввар” мавзусида бадий  
муסיкий кеча сценарийси**

*Бошловчи:* Баҳорий куй садолари остида даврага кириб келади.

*Эй пари, манъ этмагил базми висолингдан мани,  
Баҳраманд эткил тамошойи жамолингдан мани.  
Лутф ила жам эт паришон хотирим айлаб ҳисоб,  
Зумраи, девонаи ошуфта ҳолингдан мани.*

Ассалому алайкум давраимизнинг азиз меҳмонлари, мухтарама онахонлар, қалби куёш опа-сингиллар.

Хуш келибсизлар!

Мана бугунги байрам даврасига меҳрибон устозларни, мунис онахонларни, инсон ҳаётига малҳам улашувчи шифокор аёлларимизни, азиз опа-сингилларимизни таклиф қилганмиз. Биз бугунги байрам кечамизни “Аёл борки-олам мунаввар” деб атадик. Бинафшаларнинг гўзаллиги, олам

мунавварлиги, муסיқий тор жаранги, булбул навоси, болалар қувончи, ҳаёт завқи ҳам она меҳри туфайлидир.

Бу ёруғ олам она меҳри билан йўғрилгандир.

Кечамизда сиз азизларни байрам билан табриклаш учун туман ҳокими муовини .....ташриф буюрганлар. Марҳамат сўз сизга.

*Бошловчи:*

*Оламда аёл мадҳига дoston тугамайдир,  
Чин ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайдир.*

*Назм этди тугал Ҳофизу Саъдию Навоий,  
Не қолди, деманг, шоири даврон тугамайдир.*

*Гар арсаи ашъор эса ишқ баҳсига майдон,  
Майдона чавандоз кўпу, майдон тугамайдир.*

*Хусн аҳли учун бўлмас адо нозу адолар,  
Ишқ аҳли учун нолаю афгон тугамайдир.*

*Ҳар неки ёнар, йўқ бўладир, лекин ажабким,  
Мангу ёнароқ ишқ ўтида, жон тугамайдир  
Эркин Воҳидов*

Ана шундай аёллар борлиги учун минг бора шукроналар айтамыз. Энди навбатни баҳор ва аёллар гўзаллигини мадҳ этувчи куй ва кўшиқларга берамыз.

(Бир жуфт кўшиқ).

*Бошловчи:* Тирик мавжудотга қуёш сув ҳаёт бахшида этганидек, аёл инсониятга жон ато этган аллоҳнинг буюк марҳамати.

Даврамызда туман хотин-қизлари қўмитасининг раиси ..... таклиф этилганлар. Табриклаш учун сўз навбати сизга, марҳамат.

*Бошловчи:* Раҳмат, сизни ҳам улуғ айём билан чин қалбдан табриклаймыз, ишингизда омад тилаймыз.

*Хонадоним таянчи, болаларим қувончи  
Омонлик, яхшиликнинг кўзгу, сарвари онам.*  
Марҳамат навбат оналарни мадҳ этувчи кўшиққа.  
(Кўшиқ).

*Бошловчи:* Бугунги байрам даврамизда туманимиздаги боғча тарбияланувчилари ташриф буюришган. Навбатни келажагимиз ворислари болажонларимизга берсак. Марҳамат.

*Бошловчи:* Раҳмат болажонлар.  
*Ойбарчиннинг Алпомишига вафоси,  
Нодира газалин завқи, сафоси,  
Қиз Жибек дардининг йўқдир давоси,  
Дуру маржонларнинг шодаси, қизлар.*

Навбатни яна санъаткорларимизга берсак.  
(Кўшиқ, рақс)

*Бошловчи:* Мана бугунги байрам дастуримиз ҳам ниҳоясига етди. Азиз хотин-қизлар! Сизларни 8-март хотин-қизлар куни билан яна бир бор табриклаб, сизларга сихат-саломатлик, ўқишда, ишда, ижодда, оилавий ҳаётингизда омадлар тилаймиз.

### **Мушоира кечаси учун шеърлар Ўзбек онаси**

*Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,  
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.  
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,  
Сен Темур бешигин тебратган бедор,  
Сенсан Бибихоним, Нодираи зор,  
Пайти келди айтмоққа, гапнинг хонаси,*

*Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Ватанни Она деб бекор айтилмас,  
Она буюрганда йўлдан қайтилмас,  
Сен ўзинг Каъбамсан, Байтул муқаддас,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Бошингдан нималар ўтмади ахир,  
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ тахир,  
Бобур шоҳ бўлсада, қошингда фақир,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Гоҳида балқидинг Барчиндек тўлиб,  
Ғўзадек қуридинг Турсуной бўлиб,  
Тимсолинг яловда юлдуздек кулиб,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Фарзандинг қувонса – сен ҳам қувондинг,  
Фақат болам дединг, яшадинг, ёндинг,  
Нокас учраса, ўртандинг, тондинг,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Келажак тойчоғу тойингиздадир,  
Жаннат ҳам, албатта, пойингиздадир,  
Ватан-ку Сиз турган жойингиздадир,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Сизга таъзим қилиб турибман бу пайт,  
Сизга баҳишдадир энг шоҳона байт,*

*Азиз Юртбошимизга дуоларинг айт,  
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,  
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.*

*Абдулла Орипов  
Ўзбекистон халқ шоири*

*Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,  
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.*

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ёмон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.*

*Жаҳондин менга гам бўлса, улусдин гар алам бўлса,  
Не гам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек гамгусорим бор.*

*Агар муслиҳмен, ар муфсид ва гаро ошиқмен, ар обид,  
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менинг не ихтиёрим бор.*

*Фигоним ошти булбулдин, гам йўқ зарр бу қулдин,  
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгилда хор-хорим бор.*

**Бобур**

*Лайли зотидин эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,  
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.*

*Мендин ўрганди-ю бўлди гулга булбул ҳамнишин,  
Менгадур парвона ҳам шогирду, ишқимдир расо.*

*Зоҳиримдур гозаранг, аммо ниҳоним қон эрур,  
Ўз ичинда сақлагандек қип-қизил рангни ҳино.*

*Баски, қўйдим мен фалакнинг елкасига гам юкин,  
Кийди мотам тўннию, бўлди қадди ҳам дуто.*

*Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр йўлини ихтиёр  
Бас менга бу зеби зийнатким, отим Зебунисо.*

**Зебунисо**

**Тириклик паноҳисан**

*Одам Ато наслига  
Яратгандан иқболсан.  
Бу беором дунёда  
Ҳаловатли хаёлсан.*

*Сен мардона қасамсан,  
Муножотсан, висолсан.  
Шаҳидларнинг кўзида  
Кетган армон-саволсан.*

*Беланчак қучганинда  
Ҳур фаришта мисолсан.  
Илон захрини кесган  
Мўмиё малҳам-болсан.  
Чимилдиқ ўтрусида  
Жаннатий навниҳолсан.  
Гўзаллик кўзгусида  
Чарақлаган ҳилолсан.*

*Аллаларнинг шавқ сири,  
Марсиялар оҳисан.  
Марду номард, инсу жинс-  
Тириклар паноҳисан.*

*Ойдин Ҳожиева  
Ўзбекистон халқ шоири*

### Сизга

Ховлингизда шарқираган сой ўтса,  
Елкангиздан қуёш ўтса, ой ўтса,  
Қошларингиз мангу камон ёй ўтса,  
Сарв янглиз адил қолса бўйингиз,  
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Бор юлдузлар сизга хизмат қилсалар,  
Уммонлар ҳам сиз деб қуриб, тўлсалар.  
Гуллар сиздан рангу ифор олсалар,  
Чаман бўлса юрган кўча-кўйингиз,  
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Севинч бирлан очилсалар эшиклар,  
Уйингизни тор айласа бешиклар,  
Янграсалар армон бўлган қўшиқлар,  
Қиқирласа кўрган қизу ўғлингиз,  
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Еллар қаро зулфингизни қулф этиб,  
Елиб турса ҳуснингизни мулк этиб,  
Саодату малоҳатни кўрк этиб,  
Саргаймаса ҳаргиз рангу рўйингиз,  
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Дўстлар келиб ул кун бағрим тилсалар,  
Бўғзим юлиб, андин бир най қилсалар,  
Ҳаммалари қаторлашиб чалсалар,  
Овозалар бўлса ўғил тўйингиз,  
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Сирожиддин Саййид

**Мен офтобга алишмаган аёллар**

*Томиримни тирнар кўҳна саволлар,  
Юрагимда гуллар ширин хаёллар,  
Эй сиз ўзбекойим, офтобжамоллар,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,  
Сиз атир нафасли, сиз райҳон сасли,  
Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Ўзбакий оҳанг бор қулгуларида,  
Дурни талпинтирар ёғдуларида.  
Ором ороланар туйғуларида,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,  
Сизлар борсиз, шиқ аҳлида гадо бор,  
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Офтоб ожиз асли онам олдида,  
Бибихоним юрагимнинг ёдида,  
Сиз яшайсиз Моҳларойим додида,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Гул узсам тутгунча қўлим гуллайди,  
Мен сизга етгунча йўлим гуллайди,  
Пойингизда ўлсам ўлим гуллайди,  
Мен офтобга алишмаган аёллар.*

*Маҳмуд Тоиров*

## Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Мавзулар тахминий бўлиб, барча кутубхоналар ўзи учун маъқул шаклини танлаб олиши, уларни тўлдиришлари мумкин.

т. р.	Тадбирлар мавзуси	Шакли	Қатнашувчилар
1	Аёл борки, олам мунаввар	Адабиётлар кўр-газмаси	Кенг китобхонлар оммаси, олима аёллар, шоира ва уй бекалари.
2	Ўзбегим гўзаллари	-“-	-“-
3	Аёл дунёни тебратар	-“-	-“-
4	Аёлларни асрагин элим	-“-	-“-
5	Зулфияхоним қизлари	-“-	-“-
6	Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни	Китобхонлар конференцияси	Хуқуқшунослар, ҳокимият органлари ходимлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, кенг китобхонлар оммаси, шифокорлар ва аёллар либоси усталари.
7	Ислом дини ва аёл	-“-	-“-
8	Аёлларнинг кийиниш маданияти	-“-	-“-

9	XXI аср аёли	-“-	-“-
10	Аёл тadbиркор ва раҳбар	Давра суҳбати	-“-
11	Аёл ва жамият	-“-	-“-
12	Ўзбек аёли	-“-	-“-
13	Жаннат оналар оёғи остидадур	-“-	-“-
14	Аёллар саломатлиги – жамият саломатлиги	-“-	-“-
15	Аёлни ардоқланг	Бадий-музикий кеча	-“-
16	Она муқаддас зот	-“-	-“-
17	Дунё гўзаллиги аёлда мужассам	-“-	-“-
18	Ҳаётимиз чироғи умримиз мазмуни аёллар	-“-	-“-
19	Нафосат юлдузлари	Мушоира	-“-
20	Шоирлар тилида аёллар мадҳи	-“-	-“-
21	Она алласидан бошланар ҳаёт	-“-	-“-
22	“Жамият, оила, аёл”	Мунозара кечаси	-“-
23	“Аёл, оила ва анъаналар”	-“-	-“-
24	Гендер муаммолари ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли	-“-	-“-

## Адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг давлат ижтимоий курилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1995 йил 3 март //Халқ сўзи.-1995.-3 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. 1998 йил 5 дек. /1999 йил – Аёллар йили //Халқ сўзи.-1998.-10 дек.

Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: [Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони] //Ишонч.-1999.-20 март.

Аёл ҳикматлари //Хуррият.-2005.-2 март.

Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари / Муаллиф жамоаси: Г.Н. Тансиқбоева, М.Ю.Гасанов, А.М.Қодирова ва бошқ . – Т.: Адолат, 2002.- 236 б.

Аёлга эҳтиром: Тўплам /Таҳрир хайъати: Р.Шоғуломов, А.Болиев, Х.Султонов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-320 б.

Аёллар ҳақида нақллар //Солиқ тўловчи журнали.-2001.-№ 3.-Б.59.

Ашурова З. Бир қизни тарбияласанг //Халқ сўзи.-2004.-12 авг.

Бобомуродова Х. Аёлингни асрагин элим: [Аёллар ҳақида] // Қонун ҳимоясида.-2005.- № 6.- Б.14-15.

Вахшиворий Абдулла. Аёлни сев...: Шеър //Саодат.-2005.-№ 6.-Б.29.

Доктор Суад Солиҳ. Аёлнинг жамиятдаги ўрни. Ижтимоий ҳаёт /Турсун Абдуҳамид тарж. //Ҳидоят.-2001.-№ 12.-Б.16-17.

Жабборов Н. Оналар тарбия қилар миллатни //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-2 июль.

Жамилов О. Биринчи ўзбек ҳуқуқшунос аёли: [Ҳадича Сулаймонова ҳақида] //Адолат кўзгуси.-2005.-3-10 июнь.

Жамилова Г. Ҳам буюксиз ҳам суюк: [Аёллар ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-6 март.

Жўраева С. Хотин қизлар: Руҳий уйғонишидан ижтимоий фаоллик сари //Жамият ва бошқарув.-2002.-№ 3.-Б.32-34.

Зарипов К. Она - олам ва одам меъмори //Халқ таълими.-2001.-№ 3.-Б.9-14.

Камолова Х. Аёл камолоти //Фан ва турмуш.-2001.-№ 3.-Б.8.

Маматкаримова Г. Аёллар ҳуқуқи ва тараққиёт //Тафаккур.-2002.-№ 1.-Б.14-18.

Мирзаева Г. Аёл қонун ҳимоясида //Куч адолатда.-2005.-11 март.

Муҳаммаджонов Л. Аёл ва ҳуқуқ //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-2004.-№ 3.-Б.19-22.

Ортиқова Д. Инсон ва аёл қадрияти: Аёл ва дин //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2002.-№ 4.-Б.116-121.

Очилов Н. Оналар мадҳи //Мулоқот.-1999.-№ 6.-Б.35-37.

Паҳлавон Рауф. Тарихда аёлларга муносабат: [Жамиятда аёллар ўрни ҳақида] //Ҳидоят.-2005.-№ 1.-Б.12-13.

Равшанов Н. Ишлаш керакми? //Халқ сўзи.-2004.-21 июль.

Ражабов Қ. Туркистон аёл қўрбошилари ҳақида //Гулистон.-2002.-№ 2.-Б.12-13.

Расулов А. Аёл – дунёнинг сири //Маҳалла.-2004.-3 март.

Раҳимбоева Қ. Аёли тинчнинг эли тинч //Ишонч.-2004.-7 июль.

Рустамов А. Маъно аҳли: [Аёлнинг маънавий савияси ва унинг ҳислатлари ҳақида] //Соғлом авлод учун.-1999.-№ 4-5.-Б.38-39.

Салимова Ш. Оиланг тинч – юртинг тинч //Халқ сўзи.-2004.-21 авг.

Сафаева М. Аёл билан олам мунаввар //Халқ сўзи.-2005.-6 март.

Сафаров М. Аёл қадри – тараққиёт мезони //Халқ сўзи.-2004.-26 июнь.

Сафоева С. Аёл олами: [Оилада, жамиятда ва иш жойларида аёлларнинг роли] //Шарқ юлдузи.-2001.-№ 2.-Б.7-9.

Содиқова Ш. Тенг ҳуқуқлилиқ жамиятда аёлнинг ўрни: [Аёл ҳуқуқи] //Ҳаёт ва қонун.-2004.-№ 2.-б.55.

Турсунова Н. Эҳтиром ва эътибор: Хотин-қизлар ҳуқуқларининг таъминланиши //Ҳаёт ва қонун.-2004.-№ 1.-Б.67.

Усмонов М. Аёллик ҳислатлари (одоб ҳақида суҳбатлар): Лекторга ёрдам.-Т., 1991.-20 б.

Хотин-қизлар энциклопедияси.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 1999.- 433 б.

Хотин-қизлар кўмиталари аёллар манфаатининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячисига айланиши керак //Ишонч.-2004.-23 июнь.

Эгамбердиева Т. Маънавиятни шакллантиришда аёллар фаоллиги //Халқ таълими.-2002.-№ 3-Б.27-29.

Эгамбердиева Т. Хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг педагогик жиҳатлари //Халқ таълими.-2002.- № 4. - Б. 39-41.

Ҳабибуллаев А. Марҳамат кўрсатмаган марҳамат кўрмас //Соғлом авлод учун.-2001.-№ 6-7.-Б.46-48.

Ҳамроева Ш. Гендер тенглик адолат гарови //Ҳаёт ва қонун.-2003.-№ 2.-Б.78.

## Мундарижа

Муқаддима .....	3
Ўзбек аёли .....	4
Қуръони Каримдан .....	10
Ҳадисдан .....	11
Алломалар аёллар ҳақида .....	14
Аёллар ҳақида .....	16
Китоб-расмни кўргазмани ташкил этиш учун материаллар .....	17
Китобхонлар конференциясини ўтказишга методик ёрдам .....	18
Бадий мусикий кеча сценарийси .....	19
Мушоира кечаси учун шеърлар .....	21
Кутубхоналарда ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми .....	27
Адабиётлар .....	29

Босишга рухсат этилди 2006 йил “\_\_\_” март  
Бичими 60x84 наshr. т. 300 нусха. Буюртма №\_\_\_\_

---

Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида  
чоп этилди